# ЎСМИРЛАРНИНГ СТРЕССДАН ЧИҚИШИДА ОИЛАГА ХОС ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Қодирова О.Д**
*“Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими*

**Аннотация**:*Ўсмирларда копинг механизмларнинг ифодаланишида оиланинг роли ва ота-оналарнинг маълумоти, оила қандай таъсир этиши мумкинлигини ўрганиш учун тадқиқотдан олинган ўсмирларнинг копинг механизмлари натижалари юқоридаги омил асосида таҳлил қилинган.*

**Abstract**: *In order to study the role of the family and parents' education in the expression of coping mechanisms in adolescents, the results of the study of coping mechanisms of adolescents were analyzed based on the above factor.*

**Аннотация**: *С целью изучения роли семьи и воспитания родителей в проявлении копинг-механизмов у подростков были проанализированы результаты изучения копинг-механизмов подростков на основе вышеуказанного фактора.*

## КИРИШ

Ўсмирларда копинг механизмларнинг ифодаланишида оиланинг роли мавжуд бўлиши мумкин деган фаразни илгари сурганлигимиз сабабли, копинг механизмларнинг намоён бўлишида оиланинг таъсирини ўрганиш учун синалувчи ўсмирларимизнинг оилавий аҳволига, ижтимоий келиб чиқиши, ўсмир ота-онасининг маълумоти ва ўсмирнинг оиласи қандай нуклеар оилами ёки кўп табақалими шунга қизиқдик ҳамда бу саволларимизга жавобни методиканинг қисқача сўровномасидан олдик. Методикаларни таҳлил қилиб қуйидаги натижаларга эришилди.

Н.С.Эндлер, Д.А.Паркер “Coping Inventory for Stressful Situations” методикаларининг Т.Л.Крюкова томонидан мослаштирилган варианти “Стрессли вазиятларда копинг хулқ-атвори” методикасининг муаммони ечишга қаратилган стратегиянинг энг кўп қўлланиладиган даражаси ўрта бўлиб, бу нуклеар оилада 40%ни, кўп табақала оилада 52,8%ни ташкил этди. Шунингдек, ўсмир ота-онасининг маълумотига кўра: ҳар учала гуруҳда ҳам бу стратегия даражаси ўрта бўлиб, ўрта маълумотли оила фарзандларида 41.7%ни, ўрта махсус маълумотли оила фарзандларида 53%ни, олий маълумотли оила фарзандларида 47%ни ташкил этди.

*1-жадвал*

**“Стрессли вазиятларда копинг хулқ-атвори” методикаси**
(Н.С.Эндлер, Д.А.Паркер *“Coping Inventory for Stressful Situations”*
методикаларининг мослаштирилган варианти)

| Оила шакли | Кўрсатки ч | 1- Муаммони ечиш | 2- Эмоционал копинг | 3. Қочиш | 3.1 Чалғиш | 3.2 Социал чалғиш |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | % | % | % | % | % |
| **Нуклеар** | паст | 33,3 | 46,6 | - | - | 6,66 |
| | ўрта | 40 | 26,6 | 26,6 | 46,6 | 26,6 |
| | юқори | 26,6 | 26,6 | 73,3 | 53,3 | 66,6 |
| **Жами** | | *99,9%* | *99,8%* | *99,9%* | *99,9%* | *99,86%* |
| **Кўп табақали** | паст | 26,4 | 57,9 | 3,2 | 6,6 | 3,2 |
| | ўрта | 52,8 | 29 | 26,4 | 35,4 | 19,8 |
| | юқори | 19,8 | 13,1 | 70,4 | 57,9 | 76,8 |
| **Жами** | | *99%* | *100%* | *100%* | *99,9%* | *99,8%* |
| **Ота-она маълу-моти** | **Кўрсатк ич** | **1 Муаммо-ни ечиш** | **2- Эмоционал копинг** | **3. Қочиш** | **3.1 Чалғиш** | **3.2 Социал чалғиш** |
| **Ўрта** | паст | 33.3 | 66.6 | - | 8.33 | 8.3 |
| | ўрта | 41.7 | 16.7 | 33.3 | 25 | 16.7 |
| | юқори | 25 | 16.7 | 66.6 | 66.6 | 75 |
| **Жами** | | *100%* | *100%* | *99.9%* | *99.9%* | *100%* |
| **Ўрта махсус** | паст | 23.5 | 53 | - | 5.88 | - |
| | ўрта | 53 | 29.4 | 29.4 | 35.3 | 29.4 |
| | юқори | 23.5 | 17.6 | 70.6 | 58.8 | 70.6 |
| **Жами** | | *100%* | *100%* | *100%* | *99.98* | *100%* |
| **Олий** | паст | 29.4 | 47 | 5.88 | - | 5.88 |
| | ўрта | 47 | 35.3 | 17.6 | 53 | 17.6 |
| | юқори | 23.5 | 17.6 | 76.4 | 47 | 76.4 |
| **Жами** | | *99.9%* | *99.9%* | *99.88* | *100%* | *99.88* |

Эмоционал стратегиянинг ўсмирларда энг кўп паст даражаси қўлланилар экан, яъни нуклеар оилада 46,6% , кўп табақала оилада эса 57,9% кўрсаткичида намоён бўлди. Шунингдек, ўсмир ота-онасининг маълумотига кўра: ўрта маълумотли оила фарзандларида 66.6%, ўрта махсус маълумотли оила фарзандларида 53%, олий маълумотли оила фарзандларида 47%. Бу стратегия ҳар учала гуруҳда ҳам паст даражада қўлланилади.

Методиканинг учинчи қочиш шкаласи ўрганаётган барча гуруҳлари-мизда юқори кўрсаткичда намоён бўлиши маълум бўлди. Бу фоиз кўрсаткичида нуклеар оилада 73,3%ни, кўп табақали оилада 70,4%ни, шунингдек, ўсмир ота-онасининг маълумотига кўра: ўрта маълумотли оила фарзандларида 66.6%, ўрта махсус маълумотли оила фарзандларида 70.6%, олий маълумотли оила фарзандларида 76.4% ни ташкил этди.

Учинчи қочиш шкаласи ўз навбатида иккига чалғиш ва социал чалғишга бўлинади. Чалғиш шкаласига кўра ўсмирларда энг кўп юқори даражадаги чалғиш кузатилди, яъни нуклеар оилада 53,3% , кўп табақала оилада эса 57,9% кўрсаткичида

намоён бўлди. Шунингдек, ўсмир ота-онасининг маълумотига кўра: ўрта маълумотли оила фарзандларида 66.6%, ўрта махсус маълумотли оила фарзандларида 58.8% юқори даражадаги чалғиш, олий маълумотли оила фарзандларида эса 53% ўрта даражадаги чалғиш қўлланилар экан.

Социал чалғиш ўрганаётган барча гуруҳларимизда юқори кўрсаткичда намоён бўлиши маълум бўлди. Бу фоиз кўрсаткичида нуклеар оилада 66,6%ни, кўп табақали оилада 76,8%ни, шунингдек, ўсмир ота-онасининг маълумотига кўра: ўрта маълумотли оила фарзандларида 75%, ўрта махсус маълумотли оила фарзандларида 70.6%, олий маълумотли оила фарзандларида 76.4% ни ташкил этди.

*2- жадвал*

**Е.Хеймнинг "Копинг стратегияни ўрганиш" методикаси**

| Когнитив копинг стратегиялар | Оила | | Ота-она маълумоти | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Нуклеар оила | Кўп табақали оила | Ўрта (N-12) | Ўрта махсус (N-17) | Олий (N-17) |
| А (10) | % | % | % | % | % |
| 1. Инкор қилиш | 6,66 | 6,6 | 16,6 | 5,88 | - |
| 2. Муътелик тобелик | 6,66 | 13,1 | - | 17,64 | 11,76 |
| 3. Диссимуляция | 6,66 | 6,6 | - | - | 17,64 |
| 4. Ўзини бошқариш қобилиятини сақлаш | 13,32 | 29 | 24,9 | 29,4 | 17,64 |
| 5. Муаммолар таҳлили | 6,66 | 3,2 | 8,33 | - | 5,88 |
| 6. Нисбийлик | 6,66 | 3,2 | - | 11,76 | - |
| 7. Эътиқодлилик | 6,66 | 9,6 | 8,33 | 5,88 | 11,76 |
| 8. Ўзини йўқотиб қўйиш | 6,66 | 3,2 | - | - | 11,76 |
| 9. Маъно мазмун бағишлаш | 33,3 | 16 | 16,66 | 23,5 | 23,52 |
| 10. Ўз қадрини англаш | 6,66 | 9,6 | 24,9 | 5,88 | - |
| Жами | 99,8% | 100% | *99,96* | *100%* | *99,96%* |
| **Б (8)** | **Эмоционал копинг стратегиялар** | | | | |
| 1. Эътироз, раддия, қаршилик | - | 3,2 | - | 5,88 | - |
| 2. Эмоционал бўшашиш | 13,32 | 3,2 | 8,33 | - | 11,76 |
| 3. Ҳис-ҳаяжонни бостириш | 13,32 | 19,3 | 16,6 | 23,5 | 11,76 |
| 4. Оптимизм | 46,62 | 48 | 41,65 | 35,3 | 64,68 |
| 5. Пассив кооперация (ҳамкорлик) | 13,32 | 13,1 | 24,9 | 17,64 | - |
| 6. Ютқазиш бўйсуниш | - | - | - | - | - |
| 7. Ўзини айблаш | 6.66 | 6,6 | 8,33 | 5,88 | 5,88 |
| 8. Агрессивлик | 6.66 | 6,6 | - | 11,76 | 5,88 |
| Жами | 99,9% | 100% | *99,9%* | *99,96* | *99,96%* |
| **В (8)** | **Хулқ-атвор копинг стратегиялари** | | | | |
| 1.Чалғиш | 26,64 | 38,4 | 41,65 | 23,52 | 41,2 |
| 2. Альтруизм | 20 | 16 | 8,33 | 17,64 | 23,52 |
| 3.Қочиш | 6.66 | 13,1 | 8,33 | 17,64 | 5,88 |
| 4.Компенсатсия | - | 3,2 | 8,33 | - | - |
| 5. Конструктив фаоллик | 26,64 | 9,6 | 16,6 | 11,76 | 17,64 |
| 6.Чекиниш | 6.66 | 6,6 | - | 5,88 | 11,76 |
| 7. Фаол хамкорлик | - | - | - | - | - |
| 8. Мурожаат | 13,32 | 13,1 | 16,6 | 23,52 | - |
| Жами | 99,9% | 100% | *99,96* | *99,96* | *100%* |

Е.Хеймнинг “Копинг стратегияни ўрганиш” методикаси когнитив копинг стратегиялари бўйича нуклеар оилада “Маъно мазмун бағишлаш” копинги- 33.3% , кўп табақали оилада эса “Муътелик, тобелик” копинги- 13.1% юқори чиқди. Бундан кўриниб турибдики нуклеар оиладаги ўсмирлар муаммоларни тақдир синови сифатида қабул қилишади, кўп табақали оиладаги ўсмирлар эса муътелик, тобеликка мойиллик мавжуд бўлиб, улар

муаммоларни мажбуриятдай қабул қилишади, уларни ечимини ўйламасдан файласуфона бўйсунишади. Шунингдек, ўсмирларнинг ота-оналари маълумотига кўра: ўрта маълумотли оила фарзандларида “Ўзини бошқариш қобилятини сақлаш” ва “Ўз қадрини англаш” копинглари бир хил 24.9%, ўрта махсус маълумотли оила фарзандларида “Ўзини бошқариш қобилятини сақлаш” копинги-29.4%, ота-онаси олий маълумотли оила фарзандларида эса “Маъно мазмун бағишлаш” копинги-23.52% юқори чиқди. Демак, ўрта маълумотли оила фарзандлари ўз қадрини англаш яъни шахс сифатида ўз кадр-қимматини белгилаб олиб чуқурроқ англаб, ўзини баҳолашни ва назорат қилишни кучайтиришади, муаммоларни енгиш учун ўзида имконият борлигига ишонишади ҳамда муаммоли вазиятда ўзларини бошқара олишади. Ўрта махсус маълумотли оила фарзандлари муаммоли вазиятларда ўзини йўқотмасликка, ўзини назорат қилишга, мувозанатни сақлаб ўз ташвишларини бошқаларга кўрсатмасликка интилишар экан. Олий маълумотли оила фарзандларининг кўпчилиги муаммоларни тақдир синови сифатида қабул қилиб, уларга маъно мазмун бағишлашар экан.

Эмоционал копинг стратегияларидан “Оптимизм” шкаласи ўрганилаётган барча гуруҳларда юқори чиқди. Булар қуйидагича: нуклеар оилада-46.62%, кўп табақали оилада-48%; ўрта маълумотли оила фарзандларида- 41.65%, ўрта махсус маълумотли оила фарзандларида- 35.3%, олий маълумотли оила фарзандларида эса 64,68%. Бу кўрсаткичлардан маълум бўлдики, эмоционал копинг стратегиялар намоён бўлишида оилага хос тафовутлар деярли кўзга кўринмади. Ўсмирларимизда энг мураккаб вазиятдан ҳам чиқиш йўллари борлигига ишонч ҳисси мавжуд бўлиб, қийинчиликларни рад этиш билан боғлиқ эмоционал ҳолат намоён бўлади.

Методиканинг учинчи хулқ-атвор копинг стратегияларидан “Чалғиш” копинги ўрганилаётган барча гуруҳларда юқори чиқди ва бу копинг билан биргаликда нуклеар оилада “Конструктив фаоллик”, ўрта маълумотли оилада “Мурожаат” копинги бир хил тенг миқдорда юқори кўрсаткични намоён қилди. Бу олинган натижаларнинг фоиз кўрсаткичлари қуйидагича: нуклеар оилада “чалғиш” ва “конструктив фаоллик” копинги-26.64%, кўп табақали оилада “чалғиш” копинги-38.4%; ўрта маълумотли оила фарзандларида “чалғиш” копинги-41.65%, ўрта махсус маълумотли оила фарзандларида “чалғиш” ва “мурожаат” копинги-23.52%, олий маълумотли оила фарзандларида “чалғиш” копинги-41.2% ни ташкил этди. Бу қўлга киритилган маълумотлардан шу аён бўлдики, ўрганилаётган барча оила гуруҳларидаги ўсмирлар муаммоли вазиятларда муаммолардан вақтинча турли воситалар: севимли машғулотга

шўнғиш, саёҳат қилиш, энг аҳамиятли истакларни рўёбга чиқариш каби воситалар ёрдамида “чалғиш” копингидан фойдаланадилар. Шу билан биргаликда нуклеар оилаги ўсмирлар фаол ҳаракат қилган ҳолда муаммонинг ечимидан вақтинча чекинишади, масалан саёҳат қилиш орқали конструктив фаол копингдан фойдаланадилар. Ўрта махсус маълумотли оила фарзандлари эса “чалғиш” билан биргаликда “мурожаат” копингидан фойдаланадилар. Яъни ўсмир яқин инсонлар даврасидан эмоционал мадад олади, ўзгалар билан ўз муаммоларини баҳам кўради, улар тамонидан тушуниб қўллаб-кувватланиш олади, ёки яқинларига қийинчиликларни енгишда ёрдам кўрсатади, тажрибали ва аҳмиятли инсонлар билан ҳамкорлик қилишга интилади.

3-жадвал

“Ҳаётий муаммоларни бартараф этишнинг копинг стратегияларини ўрганиш” Д.Амирхан методикасининг В.М.Ялтонский ва Н.А.Сироталарнинг модификацияси

| Оила шакли | Кўрсаткич | Муаммони бартараф қилиш | Ижтимоий қўллаб қувватлашга интилиш | Муаммодан қочиш |
|---|---|---|---|---|
| | | % | % | % |
| Нуклеар оила | паст | - | - | - |
| | ўртача | 26.64 | - | 13.32 |
| | ўртадан юқори | 33.3 | 13.32 | - |
| | жуда баланд | 13.32 | - | - |
| *Жами* | | 73.26% | 13.32% | 13.32% |
| | | *99.9%* | | |
| Кўп табақали оила | паст | - | - | - |
| | ўртача | 16.1 | 3.22 | 12.9 |
| | ўртадан юқори | 35.42 | 6.44 | 6.44 |
| | жуда баланд | 12.9 | 6.44 | - |
| Жами | | 64.42% | 16.1% | 19.34% |
| | | 99.9 % | | |
| **Ота-она маълумоти** | Кўрсаткич | Муаммони бартараф қилиш | Ижтимоий қўллаб қувватлашга интилиш | Муаммодан қочиш |
| | | % | % | % |
| **Ўрта** | паст | - | - | - |
| | ўртача | 16.7 | - | 8.3 |
| | ўртадан юқори | 25 | 16.7 | 8.3 |
| | жуда баланд | 8.3 | 16.7 | - |
| ***Жами*** | | 50% | 33.4% | 16.6% |
| | | ***100%*** | | |
| **Ўрта махсус** | паст | - | - | - |
| | ўртача | 17.7 | 5.9 | 5.9 |
| | ўртадан юқори | 35.4 | 11.8 | 5.9 |
| | жуда баланд | 17.7 | - | - |
| **Жами** | | 70.8% | 17.7% | 11.8% |
| | | **100%** | | |
| **Олий** | паст | - | - | - |
| | ўртача | 23.6 | 2,1 | 23.6 |
| | ўртадан юқори | 39.2 | - | - |
| | жуда баланд | 11.8 | - | - |
| **Жами** | | 74.2% | 2,1% | 23.6% |
| | | **100%** | | |

Д.Амирхан методикасининг В.М.Ялтонский ва Н.А.Сироталарнинг модификацияси “Ҳаётий муаммоларни бартараф этишнинг копинг стратегияларини ўрганиш” методикасининг биринчи шкаласи “Муаммони бартараф қилиш” нуклеар оиладаги ўсмирларда ўртадан юқори 33.3%, кўп табақали оиладагиларда ҳам ўртадан

юқори кўрсаткич 35.42%, шунингдек, ўсмирларнинг ота-оналари маълумотига кўра: ҳар учала гуруҳда ҳам бу стратегия даражаси ўртадан юқори бўлиб, ўрта маълумотли оила фарзандларида 25%ни, ўрта махсус маълумотли оила фарзандларида 35.4%ни, олий маълумотли оила фарзандларида 39.2%ни ташкил этди.

Иккинчи "Ижтимоий қўллаб-қувватлашга интилиш" шкаласи бўйича нуклеар оиладаги ўсмирларда ўртадан юқори кўрсаткич 13.32%, кўп табақали оиладагиларда эса 6.4%дан ўртадан юқори ва жуда баланд даражада қўлланилади. Шунингдек, ўсмирларнинг ота-оналари маълумотига кўра: ўрта маълумотли оила фарзандларида 16.7%дан ўртадан юқори ва жуда баланд кўрсаткичда, ўрта махсус маълумотли оила фарзандларида 11.8% ўртадан юқори кўрсаткич юқори чиқди. Олий маълумотли оила фарзандларида эса бу шкала қайд этилмади.

Учинчи "Муаммодан қочиш" шкаласи бўйича нуклеар оиладаги ўсмирларда 13.32%, кўп табақали оиладагиларда 12.9 % ҳар иккала оила гуруҳида ҳам ўртача кўрсаткичда намоён бўлади. Шунингдек, ўсмирларнинг ота-оналари маълумотига кўра: ўрта маълумотли оила фарзандларида 8.3%дан, ўрта махсус маълумотли оила фарзандларида 5.9%дан ўртача ва ўртадан юқори кўрсаткичда намоён бўлди. Олий маълумотли оила фарзандларида эса ўртача кўрсаткич 23.6% чиқди.

Ўсмирларда стрессдан чиқишда оилага хос ижтимоий-психологик хусусиятларни ўрганиш учун синалувчи ўсмирларимизни оила шакли ва ота-онасининг маълумотлилиги бўйича гуруҳлаштириб, олган натижаларимизга кўра ҳар иккала гуруҳда, ҳатто, гуруҳчаларимизда ҳам юқоридаги натижаларни олдик. Биричи методика бўйича қочиш шкаласининг социал чалғиш, тадқиқот ишимизнинг учинчи методикасида эса муаммони бартараф қилиш стратегияси юқори чиқди. Ўсмирларда копинг механизмларнинг ифодаланишида оилага хос яққол тафовутлар аниқланмади.

## ФОЙДАЛИНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Т.Л.Крюкова. "О диагностике совладающего (копинг) поведения современной молодежи" Психология на рубеже веков – Тула, 2000, 48-51 ст.

2. Сирота Н.А. "Копинг-поведение в подростковом возрасте" Дис.док.мед.наук-Бишкек, СПб, ПНИ,1994

3. Endler N.S & Parker J.D.A. Coping Inventory for stressful Situations (CISS)-Manual-Toronto, Canada: Multi-Health System, Inc.,1990